

Омона

Sodiqlar.com

Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолога ҳамду санолар айтамиз, ундан бизни мағфират қилишини сўраймиз. Гувоҳлик бераманки Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У ёлғиз ва шериксиз зотдир. Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг қули ва элчисидир. У кишига, аҳли ва асҳобларига Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин.

Аммо баъд:

Албатта омонат ҳақида сўзлашлик катта аҳамиятга эга. Чунки у бир томондан Аллоҳ ва банда ўртасидаги нарсага, иккинчи томондан бандан билан бандада ўртасидаги нарсага алоқадор. Мазкур омонатни адо этишда бандага мадад берадиган сабабларни баён этамиз. Аллоҳдан амалларимизни холис ўзининг юзи учун қилишини сўраймиз.

О М О Н А Т деганда нимани тушунилади.

Умуман омонат дейилганда ибодат кўзда тутилади. Буни Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло қўйидаги ояти каримада марҳамат қилган:

«Албатта Биз бу омонатни (яъни шариати исломиядаги тоат-ибодатларни) осмонларга, ерга ва тоғу-тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у (ўзига) зулм қилувчи ва нодон эди.» (Аҳзоб:72.)

Аллоҳ ушбу омонатни ўзининг энг улкан махлуқотларига; кенг осмонларга, улкан Ерга ва улуғвор азамат тоғларга кўндаланг қилди. Улар бу омонатни зиммаларига олмадилар. Ваҳоланки бу махлуқотлар Аллоҳ амири қаршисида бўйин эгадилар, ўзларига юклangan нарсадан бўйин товламайдилар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло бу махлуқотларнинг ўз парвардигорларига мутеъ ва буюрилган ишларида итоаткор мусаххар эканларини айтган;

«Сўнгра тутун ҳолидаги осмонга юзланиб, унга ва Ерга «(Менинг амри-фармонимга) ихтиёран ёки мажбуран келинглар!» деган эди, улар : «ўз ихтиёrimiz билан келдик» дедилар.» (Фуссилат:11.)

Демак, еру-осмонлар ўз парвардигорига тўлиқ таслим бўлган ва улар нимага буюрилсалар, жомид (ҳаётсиз, жонсиз) маҳлукот бўлсалар-да умуман итоатдан ташқари чиқмайдилар. Аллоҳ амрини Унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ равишда барча нарсада адо қилишади. Агар Аллоҳ уларга ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни буюрадиган бўлса ҳеч тўхтамасдан итоат этадилар. Улар Аллоҳ амрига ҳамиша бўйсинувчиidlар.

«Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл» демоқлигидир.» (Ёсин:82.)

Аллоҳ еру-осмонларни ва бошқа бутун мавжудотга идрок ва маърифат билиш қувватини берди. Улар нимага буюрилганларини ҳис қиласидилар. Агар амр этилса, саждага бош қўядилар, Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолога тасбеҳ айтадилар.

«Етти осмон, ер ва улардаги бор мавжудот (Аллоҳни) поклар.» (Ал-Исроп:44.)

«(Эй Мұхаммад), сиз осмонлардаги ва ердаги бор мавжудот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-дараҳтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўпдан-кўп инсонлар (Ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми.» (Ҳаж:18.)

Еру-осмонлардаги барча нарсалар; тоғлар, дараҳтлар, юлдузлар, жонзотлар ва бошқа жамодот (жонсиз нарса)лар Аллоҳга сажда қиласиди. Аллоҳ уларга ўзларига муносиб ҳис-туйғу ва идрокни яратган. Улар ҳам сажда қиласидилар, қўрқадилар.

«... Зеро шундай тошлар борки, улардан дарёлар отилиб чиқади, яна шундайлари борки, ёрилиб, ичидан сув чиқади, яна

Таевба рисолаларидан: Омонат

шүндайлари борки Аллоҳдан қўрққанидан пастга қулайди. ...»
(Бақара:74.)

Тоғлар ҳам Аллоҳ таъолодан қўрқиб туради. Ояти каримада:

«Агар Биз ушбу Қуръонни бирон тоғга нозил қилганимизда, албатта сиз у (тоғ)ни Аллоҳнинг қўрқувидан эгилиб ёрилиб кетган ҳолида кўрган бўлур эдингиз.» (Ҳашр:21.)

Тоғлар ва бошқа мавжудотлар Аллоҳдан шунчалик қўрқишиларига, унга шунчалар итоаткор бўлишларига қарамасдан мазкур омонатни ўз зиммасидан соқит қилдилар. Уни ўзларига оғир деб билдилар ва кўтаришдан бош тортдилар. Инсон ўзининг заифлигига қарамасдан уни ўз зиммасига олди.

Энди бу омонатни адо этмоғи шарт. Агарда инсон бу омонатга хиёнат қилса ва бепарво бўлса Аллоҳ ҳузурида жавоб беради. Омонатни ташлаб қўйгани ва унга хиёнат қилгани учун азобга (мустаҳик) дучор бўлади. Хўш, энди биз бир-биримизга савол бериб кўрайликчи: Инсон зиммасига олган бу омонат нима ўзи.?!

О М О Н А Т –мўъминларнинг йўқотган нарсаси.

Аллоҳ бандаларини мўъминлар деб номлади. Мўъмин мана шу омонатга хиёнат қилмайдиган, унга амал қиладиган ва уни маҳкам ушлайдиган кишиидир. Омонат "амн" яъни омонлик, бехавотирлик ёки иймон деган сўздан олинган. Омонатга хиёнат қилмайдиган киши ёки мўътаман-омонатдор дейилади. У омонатни ҳақиқий адо этгани учун омонат ва иймон аҳлидан деб сифатланади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло айтади; **«Улар ўзларига ишонилган омонатларга ва (ўзларига) берган аҳду-паймоналирига риоя қилувчи кишилардир.»** (Мўъминлар:8.)

Бу ерда омонат, банданинг зиммасидаги Аллоҳнинг ҳақларини ва бандаларнинг ҳақларини ҳам ўз ичига олади. Аллоҳ мўъминларни "риоя қилувчилар" яъни омонатни ҳақиқий адо этувчилар деб сифатлади. Агар улар мана шу сифатга эга бўлсалар,

Аллоҳ ўзининг қўйидаги оятида зикр қилган нажот топувчи бандалардан бўладилар.

«Дарҳақиқат мўъминлар нажот топдилар.» (Мўъминлар:1.)

Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам бу омонатни адо қилиши керак. Чунки, у Аллоҳ буюрган ҳақлардандир. Омонат қўйидаги оята зикр этилган аҳд-паймондир:

«Улар ўзларига ишонилган омонатларга ва (ўзгаларга) берган аҳду-паймонларига риоя қилувчи кишилардир.» (Мўъминлар:8.)

Бу аҳду-паймонларга инсоннинг Роббиси билан қилган аҳди ҳам, ўзга инсонлар билан қилган аҳд-паймонлари ҳам кириб кетади. Аллоҳ таъоло аҳдни қўйидаги сўзи билан янада таъкидлироқ қилган:

«Албатта, аҳд-паймон (қиёмат куни) у ҳақда сўроқقا тутиладиган ишдир.»

Яъни унинг вафоси ҳақида сўралади. Лекин, аҳдларнинг энг муҳими Аллоҳга берилган аҳддир.

«Аҳд-паймон берган вақтларингизда, Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз!» (Наҳл:91.)

Инсонларнинг зиммасига юклатилган энг улуғ омонат бу Аллоҳга берилган аҳддир. Ҳақиқий мўъмин барча ҳолатда ушбу омонатга риоя қиласи. Аммо иймони заиф кишиларни бу омонатга енгил-елпи қараётганини, уни тўла адо қилмаётганини кўрасиз. Бу аслида банданинг иймонидаги нуқсон-камчиликдир. Аллоҳнинг ҳам, инсонларнинг ҳам ҳақларига омонатдор бўлган, унга ҳақиқатан ич-ичидан боғланган ва қандай лозим бўлса худди шундай бу омонатни адо қилган ишончли, муслим киши бўлгани учун Аллоҳ бандасини мўъмин деб атади. Мана шу одам мўъмин ва аминдир.

Инсоннинг ўзи ва ўзгалар ўртасидаги нарсалардаги омонат

Бу омонат хоҳ мол, хоҳ бошқа нарса бўлсин инсонларнинг сизга топширган нарсаларини ва уларнинг ҳақларига риоя қилишни ўз ичига олади. Машҳур ҳадисда айтилганидек хиёнат мунофиқликнинг энг катта белгиларидандир. «Мунофиқнинг аломати учта бўлади: сўзласа ёлғон сўзлайди, ваъда берса вафо қилмайди, унга омонат қўйилса хиёнат қиласди.» (Бухорий ва Муслим ривояти)

Омонатга хиёнат этишлик мунофиқлик аломатларидандир. Яъни агар унга бирор омонат қўйса омонатдорлик қилмайди. Балки, унга омонат қўйилган ҳақларга хиёнат қиласди.

(فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُمْ بَعْضًا فَلَيُؤْدِيَ الَّذِي أُوتُمْنَ أَمَانَتَهُ وَلَيُنَيِّقَ اللَّهُ رَبَّهُ) (البُّرْجَةُ: 283)

«Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз омонат қўйилган киши омонатни адo қилсин ва Парвардигори Аллоҳдан қўрқсин!» (Бақара: 283)

Баъзилар сизга ишонгани ва сиз ҳақингизда яхши ўйда бўлгани учун ўз ҳақини бериб қўяётганида гувоҳ чақирмайди, сиздан васиқа-ишонч қофози олмайди. Бу кишининг ҳаққига риоя этишингиз ва унга хиёнат қилиб қўйишдан жуда-жуда эҳтиёт бўлишингиз лозим.

Агар бир киши сизга қарз берса ва у сизга ишонса, гувоҳ чақирмаса, қарзни ёзмаса бу омонатни мазкур оятдаги омонат деб билинг; **«Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз»** яъни агар унга молини қарз ёки шунга ўхшаш бирон нарсани омонат қўядиган бўлса, омонатдор бу омонатни ўз эгасига саломат етказсин. У қўйидаги оятда ҳам зикр қилинган;

(إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤْدُوا الْأَمَانَاتِ إِلَى أَهْلِهَا) (النَّسَاءُ: 58)

«Албатта Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга буюради.» (Нисо: 58)

Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида шундай ривоят қилинади: Бу оят пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам Каъба калитини Усмон ибн Талҳадан олганларида нозил этилган. Каъбанинг ҳижобати (каъба пўшини янгилаб туриш) Бани Абдуддор қўлида эди. Усмон ибн Талҳа мана шу қабиладан эди. Макка фатҳ этилганида пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам Усмондан калитни талаб қилдилар. Усмон «омонатгами» деганида расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам «ҳа» деб жавоб бердилар. Калит расууллоҳ қўлига ўтгач Аббос уни пайғамбаримиздан ўзига беришларини сўради: «Уни менга беринг. Токи сиқоят ҳам садонат (ҳожиларга сув-овқат бериш) ҳам менда бўлсин.» шунда Аллоҳ юқоридаги ояти каримани нозил қилди. Чунки, расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам калитни Бани Абдуддордан омонатга олган эдилар. Аллоҳ таъоло бу омонатни эгасига қайтариб беришни буюрди. Чунки, Бани Абдуддор Каъба садонати ва ҳижобатига бошқалардан кўра ҳақлироқ эди.

Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам уларга омонатни қайтардилар, оят гарчи мана шу ҳодисага хос тушган бўлсада у барча омонатларга умумийдир. Чунки, хусусий сабаб эмас, лафзнинг умумий эканлиги эътиборга олинади. Ҳар ҳолда инсонлар ўртасидаги нарсаларда омонатлар кўп. Бунга сир-асрорлар, молу давлат ҳам киради. Агар бирор ичидаги сирни ёки ўзи билан ахли орасидаги гапни сизга омонат қилиб айтса ва уни ёйишдан сизни қайтарса, сиз бу сирни умуман ташқарига чиқарманг. Чунки, бу омонат. Ҳалиги киши сизга ишонди, бу сирни ҳеч қачон очмаслигингиздан хотиржам бўлди ва шунинг учун уни сизга омонат қилди, унга хиёнат қилиб қўйманг. Сизнинг омонат қўйган сирингизни очиб юборган кишига сиз ҳам хиёнат билан жавоб берманг. Бу мумкин эмас. Расууллоҳдан қўйидаги мазмундаги ҳадис ривоят этилган: «Сенга омонат қўйганнинг омонатини адо эт, сенга хиёнат қилганга хиёнат қилма». (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари)

Бирор сизга молини қўйиб кетади ёки қарз беради-да гувоҳларни чақирмайди, васиқа тилхат олмайди. Ёки ўзининг

Таеба рисолаларидан: Омонат

ҳақларидан мәйлүм бир ҳақини сизга беріб уни сақлаб туришингизни сўрайди. Сиз юқоридаги барча ишларда омонатни ўз эгаларига топширишга буюрилгансиз. Бу сиз ва биродарингиз ўртасидаги омонат. Уни адо этмоғингиз вожибдир.

Мол, қарз, обрў ёки шунга ўхшаш нарсаларда сизга хиёнат қилиб кетган кишини сиз ҳам унга хиёнат қилиш билан жазоламанг. Балки, кечириб юборинг Аллоҳ сизни гўзал мукофотлар билан тақдирлайди. Сизни афв этади. Хиёнатни эса агар қасддан-атайлаб қилган бўлса хиёнати учун жазолайди. У сизнинг бу муомалангизни кўриб надомат чекиши мумкин. Ахир у сизга хиёнат қилганди-ку! Сизнинг бу муомалангиз унинг афсус-надоматлар қилиб келгусида омонатни адо этишдек гўзал хулқ билан хулқланишига сабаб бўлиб қолади.

Инсонларнинг ҳақлари

Инсонларнинг ҳақлари; моллари, сирлари, обрў-эътиборлари ва шунга ўхшаш нарсалари учун албатта жавоб берилади. Аллоҳ ҳузурида шак-шубҳасиз бу нарсалар ҳақида савол – жавоб бўлади. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг ҳақлари ҳақида шундай дедилар: «Қиёмат куни ҳақлар албатта ўз эгаларига топширилади. Ҳатто шохли қўчқордан шохсиз қўчқорга қасос олиб берилади.» (Имом Муслим ривояти)

Бу инсонлариннг бир-бирлари ўртасидаги ҳақларини ҳам ўз ичига олиши шубҳасиздир. Ким бирон нарса олган ёки бирорвга зулм қилган бўлса бу ҳақлар учун албатта қасос олинур. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларидан «Муфлис (ифлос) кимлигини биласизларми?» - деб сўрадилар. Муфлис на дирҳами ва на бирор нарсаси бор бўлмаган кишига айтилади –дедилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Менинг умматимдаги муфлис қиёмат куни намози, рўзаси ва закоти билан келади. Лекин у бу одамни сўккан, унисига тухмат қилган, бирорвнинг молини еган, бошқасининг қонини тўккан яна кимнидир урган бўлади. Ҳалиги кишининг яхшиликларидан уларга

олиб берилади. Агар яхшиликлари тўлашга етмай қолса уларнинг хатоларидан олиб бунга юкланади. Сўнг уни дўзахга ташланади.» (Имом Муслим ривояти)

Бу бировларнинг ҳақларига хиёнат қилган кишининг ҳолидир. Қиёмат кунида унинг амаллари тоғлардек бўлса ҳам, бутунлай ҳеч нарсасиз бўлиб қолади. Кимки хиёнат қилган бўлса унинг яхши амаллари ҳақ эгаларига бўлиб берилади. Ўзига берилган ҳақлар ва омонатларга хиёнат қилган киши қиёмат куни уларни шу тарзда тўлайди. Бу омонатлар кийим-кечак, идиш-товоқ каби нарсаларда бўлиши ёки муомалот турлари ҳисобланган; қарзлар, гаровга қўйилган нарсалар ва ёки бошқа ишониб топширилган омонатлар бўлиши мумкин. Агар омонатларга хиёнат қиладиган бўлса Аллоҳ ҳузурида туриб хиёнатига жавоб беради.

Омонатга хиёнат қилишнинг бир қанча кўринишлари бор:

1. Эгаси ишлатишга рухсат бермаган нарсани ишлатиш. Масалан: кийими ёки пойафзалини кийиш, уловни, машинасини миниш. Шунингдек эгаси сизга яшашга рухсат бермаган омонат қўйилган уйда яшаш.
2. Омонатдан тониш.

Бу тўланадиган куни белгиланган омонатларга хиёнат қилиш. Ибн Касир Аҳзоб сурасининг 72-оятини тафсирида қўйидаги машҳур ҳадисни Ибн Жарирдан, Абдуллоҳ ибн Масъуддан нақл қиласи: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ йўлидаги ўлим омонатдан бошқа барча гуноҳларни, ёки «барча нарсаларни»-каффорот қиласи яъни юваб юборади. Қиёмат куни омонат қўйилган киши олиб келинади «омонатингни бер, адо қил, дейилади. У – эй Роббим, ахир қандай қилиб бераман дунё тугади-ку.» - дейди. Унга яна «омонатингни адо қил» - дейилади. У яна – эй Роббим, ахир қандай қилиб бераман дунё тугади-ку.» - дейди. Унга яна «комонатингни адо қил» - дейилади. У яна – эй Роббим, ахир қандай қилиб бераман дунё тугади-ку.» - дейди. Сўнгра айтади: «Уни онаси

Таевба рисолаларидан: Омонат

Ха-а-вия (Дўзах)га олиб боринглар. У онаси Ҳа-а-вияга олиб борилади ва унга ташланади. Ҳатто дўзахнинг қаъригача тушади. У ерда берилган омонатни ўз ҳолича турганлигини топади. Уни олиб елкасига қўяди ва жаҳаннам лабигача кўтарилиб келади. У энди чиқдим деганида қадами тойилиб кетади ва омонат ортидан абадул-абад тушиб кетади.» айтиб ўтганимиздек инсонларнинг ҳақлари устида албатта ҳисоб-китоб ва қасос бўлади. мусулмон киши Қиёмат кунида қасос таъйин бўлган мана шу ҳуқуқлардан жуда – жуда эҳтиёт бўлмоғи лозим.

3. Бадандаги ёки мол-мулқдаги хиёнатлар.

а) Бадандаги хиёнат.

Бирорни кимсасиз жойда уриб, бошини ёриб ёки ўлдириб яна ҳеч нарса кўрмагандек юриш ҳам баданга қилинган хиёнатлардан. Бу йўл ҳодисаларида кўп учрайди. Йўлда ҳеч ким бўлмаганида ёки кишилар назаридан чет жойда ўз айбини яшириб кетишга уринади. Жароҳатланган ёки ўлдирилган киши ҳаётдги ҳаққидан фойдалана олмайди. Аммо Аллоҳ таъоло барча нарсани билиб туради ва хиёнат қилган кишини қиёматда ҳисоб-китобга рўпара қиласди. Жабр кўрган биродарига унинг яхшиликларидан олиб беради. Агар яхшиликлари бўлмаса жабрланган кишининг гуноҳлари унга қўйилади ва дўзахга ташланади.

б) Ҳақ ва мулклардаги хиёнат:

Шундай кишилар борки, бирордан нарса сотиб олади ёки қарз кўтаради ва буни расмий васиқаларга ёзишади. Мабодо мол эгаси ёки қарз берувчи бошига бирон иш тушса; дейлик васиқалари ёниб кетса ёки йўқолиб қолса, бу ҳам инкор ва тониб кетишга тайёр бўлиш учун ўзидаги мол олганлиги ҳақидаги васиқаларни йўқотишга шошилади. Шу билан ҳақиқатни бутунлай яшираман деб ўйлади. Лекин Аллоҳ уни кўриб турибди. Қиёматда ундан биродарининг ҳақини тўлиқ қилиб олиб беради.

Агар инсон бу ҳақни унугиб қўйган бўлса, Аллоҳ уни афв этади. Ҳақ эгаси агар ҳаққидан воз кечса кечиб юборгани учун мукофотлар берар эди. Киши ўзига хиёнат қилган муслимга нисбатан ҳам яхши фикрда бўлмоғи унинг хиёнатига хиёнат билан жавоб бермаслиги лозим. Мусулмон киши одамлар билан чиройли муомалада бўлсин. Унга оғир қилганлар юкини у енгил қилсан, афв этсин, кечиб юборсин ёки ундан баъзи нарсаларини енгиллаштирасин. Шояд Аллоҳ ундан кечиб юборса.

Омонатдор бўлишга ёрдам берадиган сабаблар

Инсонни омонатни адо этишга олиб борадиган бир қанча сабаблар бор. Уларнинг энг мухим ва катталарини қўйида санаб ўтамиз.

1. *Инсон ўзини Аллоҳ яратган эканлигини билмоқлиги.* Яралмиш Яратувчининг қули бўлади. У ўзи ва Парвардигори ўртасидаги алоқа ҳақларини адо қилмоғи лозим.

2. *Инсон Аллоҳ таъолонинг унга неъмат ва фазлу марҳаматлар қилувчи зотлигини ва ўзининг Аллоҳ неъматларига бурканганини билиши-англаб этиши.* Қул Парвардигори томонидан омонат қўйилган ҳақни адо қилишдан бош тортиши мумкин эмас.

3. *Мазкур омонатлар Аллоҳ тарафидан унга фарз қилинганини ва бу фарзларни адо қилиш шартлигини ҳис қилиши.*

4. *Инсоннинг Парвардигори барча нарсани кўриб-билиб турувчи зотлигини, Ундан ҳеч нарса маҳфий бўлмаслигини ва инсон елкасидаги мазкур омонатлар ҳам шулар жумласидан бўлиб уларни адо этиш шартлигини ҳис этиши.*

5. *Инсон қачон-ки мана шу ҳақни бажарса ва бу омонатларни хоҳ маҳфий бўлсин, хоҳ ошкора бўлсин, ҳақиқий адо этса дунё ва охиратда улкан ажру-савобга эга бўлишини тушуниб этиши.* Дунёда бериладиган яхшилик; қалбининг очилиши хотиржамлиги ва Аллоҳ унинг ризқини кенг –мўл қилиб

Таевба рисолаларидан: Омонат

қўйиши. Охиратда бериладиган яхшилик; Ухровий ажр бўлган улкан савоб. Бундан бошқа сабаблар ҳам бор. Лекин биз уларнинг энг муҳимларини санаб ўтдик. Аммо сиз кўриб турган баъзи бир кишилар зиммаларидағи ҳақларини адo қилмасликлари ёки уни чала адo қилишлари, Аллоҳ ҳаром этган чегараларни бузишлари қалбларида Аллоҳни яхши танимаганликлари ёки Аллоҳ неъматларини тўлиқ ҳис этмаганлари, Аллоҳнинг Холиқ ва Молик зотлигини билмаганликлари ёки жазо ва мукофот бераман деган ваъдасини тасдиқ этмасликларидир. Ёки шунга ўхшаш бошқа бир сабаблардир.

Диний омонатларга хиёнат қилаётган кимсалар ёки уларнинг адo қилмаётганлар қалбларида иймонлари заиф бўлган кишилардир.

Биз Аллоҳдан қалбларимизни ўзининг тоатида жамлашлигини сўраймиз. Аллоҳ таъоло Мусулмонларнинг қалбларини ва калималарини бир қилсан! Уларни ҳақ йўлга чиройли суратда қайтарсан. Уларга ҳақни ҳақлигини кўрсатиб унга эргашибиши, ботилни ботиллигини кўрсатиб, ундан узоқлашибиши насиб этсан!

Дунё дермиш: кимки менга қулоқ солса,

Унга айтар сирларим бор, агар олса.

Неча-неча дунёсига берилганни,

Даврим келди, деб ўзича керилганни,

Алдаб-сўлдаб, тубсиз жарга йиқдим мано,

Олиб бориб қаро гўрга тиқдим мано.

Бойликларни тахладилар саржин-саржин

Мен айладим ҳаммасини парчин-парчин!